

ИСЛОМ МОЛИЯСИ АСОСЛАРИ: ТАРАҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ, ИСТИҚБОЛЛАРИ

Астанакулов Олим Таштемирович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Ислом иқтисодиёти ва молияси”
кафедраси мудир и.ф.д., доц.

E-mail: astanakulov@gmail.com

Аннотация. Мақолада дунё молия бозори ва жаҳон идустриясида кенг ўрин олаётган ислом молиясининг ривожланиш тенденцияси таҳлил этилган. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кучайтириш ва модернизациялаш мақсадида маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлаб чиқаришга янги технологияларни ўзлаштиришга ислом тамойилларига асосланган молиявий ресурсларни ва инвестицияларни жалб этиш масалалари кўриб чиқилган. Ислом молиясининг ривожланиш тарихи баён этилган, ислом банк тизимининг жаҳон ва бу соҳада етакчи бўлган мамлакатлар банк тизимидаги ўрнига баҳо берилган. Ўзбекистонда ислом молиясини ривожлантириш имкониятлари ва бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалар йўналишлари белгилаб берилган.

Калит сўзлар: ислом, ислом молияси, ислом банклари, ислом молия тизими, молиявий хизматлар, ислом молияси тамойиллари.

Аннотация. В статье анализируются тенденции развития исламских финансов, широко используемых на мировом финансовом рынке и мировой индустрии. Рассмотрены вопросы привлечения исламских финансовых ресурсов и инвестиций в целях развития национальной экономики, укрепления и модернизации производственных мощностей, привлечения внутренних и иностранных инвестиций, внедрения новых технологий в производстве. Описана история развития исламских финансов, дана оценка роли исламской банковской системы в банковской системе мира и стран-лидеров в этой области. Определены возможности развития исламского финансирования в Узбекистане и задачи, которые необходимо решить в этом направлении.

Ключевые слова: ислам, исламские финансы, исламские банки, исламская финансовая система, финансовые услуги, принципы исламских финансов.

Abstract. The article analyzes the development trends of Islamic finance, widely used in the world financial market and the world industry. The issues of attracting Islamic financial resources and investments in order to develop the national economy, strengthen and modernize production facilities, attract domestic and foreign investments, and introduce new technologies in production are considered. The history of the development of Islamic finance is described, the role of the Islamic banking system in the banking system of the world and the leading countries in this area is assessed. The opportunities for the development of Islamic finance in Uzbekistan and the tasks that need to be solved in this direction have been identified.

Keywords: Islam, Islamic finance, Islamic banks, Islamic financial system, financial services, Islamic finance principles.

Кириш

Ўзбекистонда жадал равишда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда барча соҳалар қатори молия секторини ҳам ривожлантиришга ва янги манбалар билан бойитишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ана шу мақсадда жаҳонда оммавийлашиб бораётган, айниқса, тараққий этган

Европа мамлакатлари ва АҚШда фаоллашиб бораётган Ислом молиясини мамлакат миллий молия бозорида жорий этишга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди» [1]. Шу муносабат билан мамлакатимизда ислом иқтисодиёти ва молиясининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш учун зарурият вужудга келди.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда инвестицияларнинг аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Жаҳон иқтисодий форумининг глобал рақобатбардошлик бўйича ҳисоботида (The Global Competitiveness Report) кўрсатилишича, асосий муаммолардан бири бизнесни инвестиция билан таъминлаш муаммоси ҳали ҳануз учрамоқда [12]. Шунинг учун айнан Ислом банклари томонидан таклиф қилинаётган инвестицияларни жалб қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ислом банк-молия тизимини татбиқ қилиш масаласи юртимиз тадбиркорлари томонидан узоқ йиллар давомида кўтилаётган муҳим масала бўлса-да, аммо шу билан бир қаторда бу соҳани яхши биладиган мутахассислар ҳам, бу соҳада бошланғич зарурий билимларга эга бўлган тадбиркорлар ҳам жуда кам. Шу боис мазкур соҳада замонавий билимларни ошириш ва зарур тадқиқотларни бажариш масаланинг долзаблигини белгилаб берувчи омилларда ҳисобланади. Шунингдек, бу соҳа билан боғлиқ равишда фаолият олиб борувчиларга ва қизиқувчиларга рационал асосда билимлар муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги асослардан ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, янги Ўзбекистон шароитида молиявий манбалари ва фаолият йўналишлари ҳамда хизмат турларли жаҳондаги замонавий ижтимоий-иқтисодий ва молиявий тараққиётга мувофиқ ривожланган Ислом банкларининг инвестицияларини жалб этишни рағбатлантиришга ва хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятларни қўллаб-қувватлашга оид муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги келиб чиқмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ислом молияси тараққиёт босқичлари ва истиқболлари бўйича бир қатор хорижлик бир гуруҳ иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан хорижлик иқтисодчи олимлардан С.М.Ҳасан уз-Заман: Ислом иқтисодиёти бу фикр ҳукмлар ва қонун-қоидаларининг амалга татбиқ этилиши бўлиб, у инсонларнинг талабларини қондириш учун иқтисодий ресурслардан нотўғри ва исрофгарчилик билан фойдаланишнинг олдини олади. Шунингдек, уларни Яратган Аллоҳ, жамият олдидаги бурчини бажариш учун қодир қилиб қўяди [2].

М.А.Маннан: Ислом иқтисодиёти бу инсонларнинг Ислом қадриятлари билан сифатланган иқтисодий муаммоларини ўрганадиган ижтимоий илм ҳисобланади [3].

Хуршид Аҳмад: Ислом иқтисодиёти бу иқтисодий муаммони тушуниш мақсадида тизимли ҳаракат қилиш ва бу муаммога инсоннинг исломий жиҳатдан бўлган муносабатидир [4].

М.Нажатуллоҳ Сиддиқи: Ислом иқтисодиёти бу исломий фикр юритувчиларнинг ўз вақтида бўладиган иқтисодий муаммоларга бўлган муносабатидир. Бу борада мусулмонларга Қуръони Карим ва суннат, шунингдек муаммонинг сабаби ва у бўйича тўпланган тажриба дастак вазифасини ўтайди [5].

Ислом молия тизими – Ислом ҳуқуқи, бошқача сўз билан айтганда, шариат қонун-қоидалари асосида ташкил этилиш ва фаолият юритиш тамойилига эга бўлган банк тизимидир, яъни бу турдаги банкларнинг барча амалиётлари, масалан, депозит омонати ёки молиялаштириш билан боғлиқ амалиётлари ҳам шариат кўрсатмаларига мувофиқ бўлади. Ислом банкларининг бошқа амалиётлари: пул ўтказмалари, кафолат хатлари, аккредитивлари, чет эл валютасини сотиш кабиларга нисбатан ҳам бу қоидалар ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси

Мавзуни илмий ўрганиш, тарихий-мантиқийлик, таҳлил ва тадқиқ этиш жараёнида тизимли таҳлил, статистик таҳлил ва илмий абстракция каби усулларидан фойдаланилган. Мақолада, ислом молияси ривожланиш тарихи тарихийлик усули орқали ҳозирги даврдаги жаҳон молия бозоридаги ўрни, мамлакат миллий иқтисодиётида ислом молиясини тутган ўрнига ва аҳамиятига мос равишда илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар берилди.

Таҳлил ва натижалар

Ислом молиясининг ривожланиш тарихи. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида Осиё, Африка ва Яқин Шарқ мусулмон ўлкаларининг мустақилликка эришишлари ҳамда 70-йилларда жаҳон бозорида бўлиб ўтган нефт инқирозлари ҳозирги замонавий Ислом молияси тизимининг вужудга келишига тўртки бўлди. Нефть экспорт қилувчи Форс кўрфази давлатларининг молиявий аҳволи яхшилана бошлади. Ислом оламининг давлат арбоблари, сиёсатшунослари ва диний уламолар бир неча марта йиғилишиб, мусулмонлар учун зарур Ислом молияси ва Ислом банк тизимини яратиш ҳақида анжуманлар ўтказишди. Натижада, 1975 йил мусулмон давлатларининг ҳамкорлигида Саудия Арабистонида жойлашган Ислом Тараққиёт Банки (Islamic Development Bank) ташкил этилди. Мазкур йилнинг ўзида шу минтақанинг бир қанча тадбиркорлари иштирокида дунёнинг биринчи хусусий Ислом банки – Дубай Ислом Банки (Dubai Islamic Bank) ташкил этилди. Икки йилдан сўнг яна учта Ислом банки: Мисрнинг Файсал Ислом Банки (Faisal Islamic Bank of Egypt), Суданнинг Файсал Ислом Банки (Faisal Islamic Bank of Sudan) ва Қувайтнинг Kuwait Finance House номли Ислом банклари фаолият бошлади [6, 14].

Кейинги ўн йилликларда Ислом молияси тизими янада тараққий эта бошлади. 80-йилларда Эрон ва Судан ўз молия тизимларини тубдан ислоҳ қилишди, натижада, мамлакат банк тизимида умуман фоиз деган тушунча қолмади. Ҳозирги кунда Эрон дунёнинг энг катта Ислом молияси бозорига эга: 2016 йил якунига кўра, у 560 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Малайзияда илк Ислом молиявий ташкилоти 1963 йилда ташкил этилган. Бу ташкилот Мусулмон Ҳожиларнинг Жамғарма Ташкилоти сифатида таъсис этилиб (ҳозирги Tabung Hajj ташкилоти), ҳажга бормоқчи бўлган мусулмонларнинг пул маблағларини жалб қилиш, бошқариш ва уларни инвестиция қилиш билан шуғулланади. Бу ташкилот жуда муваффақиятли фаолият олиб бориб, 1983 йилда Малайзия Ислом Банкнинг ташкил этилишида катта рол ўйнади.


Ҳозирги кунда Малайзия банк тизимида анъанавий банклар ҳам, Ислом банклари ҳам бирдай фаолият юритади. Илгари Баҳрайн Ислом молияси тизимининг “пойтахти” саналган бўлса, ҳозирги кунда Малайзия бу етакчиликни ўз қўлига олган. Ислом молияси ва Ислом банки фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунчилик

базасининг мукамаллиги, Ислом банк секторининг ҳажми, Сукук номли Ислом облигациялар (қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозлар) бозорининг салмоғи, Ислом молия бўйича таълим ва малака ошириш дастурлари ва умуман шаклланган Ислом молия инфраструктураси жиҳатидан Малайзия энг илғор давлат саналади. Мамлакатнинг Bursa Malaysia биржаси Сукук листинглари бўйича дунёнинг энг катта фонд биржаси ҳисобланади. Thomson Reuters агентлигининг таҳлилига кўра, 2017 йилда Малайзия Islamic Economic Indicator (Ислом иқтисодий индикатори) бўйича дунёнинг пешқадами бўлган. Ундан кейин БАА, Баҳрайн, Оман, Саудия Арабистони, Қатар, Қувайт, Иордания, Покистон ва Индонезия давлатлари ўрин олган [9, 10, 11].

Ислом молиясининг бугунги кундаги ҳолати. Ўтган давр давомида Ислом молияси тизимининг ҳажми анча кенгайди. Ҳозирги пайтда бутун дунё Ислом молия институтларининг сони 700 дан зиёд. 1990-йилларнинг ўрталарида Ислом молия тизими фақат Яқин Шарқ ва Малайзияда мавжуд бўлиб, Ислом молиявий ташкилотлар сони 144 та, активларининг йиғиндиси эса 150 млрд. АҚШ доллари атрофида эди.

Дунё мусулмон аҳолисининг сони ва даромадлари ошиши, иқтисодий-молиявий инқирозларга нисбатан чидамлилиги, Ислом банкларига, ва умуман, Ислом динига дунё халқларининг қизиқиши ва бошқа бир қанча омиллар сабабидан Ислом молия тизимининг аҳамияти кундан-кун ошиб бормоқда. Сўнгги ўн йил давомида Ислом молия тизимининг йиллик ўсиш суръатлари ўртача 10-12% ни ташкил қилди. 2016 йил якунига кўра, Ислом молия тизими 2,293 трлн. АҚШ долларни ташкил қилди. Ислом молия институтлари нафақат Яқин Шарқ ва Малайзияда, балки бошқа мусулмон ўлкаларда, ҳатто Ғарб ва Шимолий Америка давлатларида ҳам фаолият юрита бошлади. Мисол учун, АҚШда JP Morgan, The Bank of Whittier, American Finance House, Standard Chartered Islamic Banking ва бошқалар, Буюк Британияда эса, Islamic Bank of Britain, European Islamic Investment Bank, HSBC, Halal Mortgages сингари тижорат банклари шариат талабларига жавоб берувчи молиявий хизматлар кўрсатмоқда. Буюк Британия, Гонконг, Жанубий Африка давлатларининг Сукук облигациялари чиқаргани, АҚШнинг Goldman Sachs инвестицион банки яқинда Сукук облигациялари орқали 500 млн. долларлик капитал жалб қилганлиги номусулмон давлатларнинг ҳам Ислом молиясига қизиқиши ортиб бораётганини кўрсатади. 2013 йилда Лондонда бўлиб ўтган 9-чи Жаҳон Ислом Иқтисодий Форумида (9th WIFE) Буюк Британиянинг ўша пайтдаги Бош вазири Дэвид Кэмерон “Лондон ҳозир ҳам мусулмон олами ташқарисида Ислом молиясининг энг катта маркази. Мен Дубай ва Куала Лумпур қатори Лондон ҳам Ислом молиясининг бутун жаҳонда энг катта марказига айланишини истайман”, деган эди.

Дарҳақиқат бугунги кунга келиб Ислом молиясининг жаҳондаги молия бозорида муносиб ўрин эгаллашига Араб мамлакатларидан Саудия Арабистони, Қувайт, Малайзия, Қатар, БАА, Баҳрайн, Оман давлатлари банклари активлари муносиб ҳисса қўшишмоқда (1-расм).



1-расм. 2018-2020 йилларда мамлакатларнинг Ислом банкларидаги активларининг ўзгариш тенденциялари [13]

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018-2020 йилларда ислом молия бозорининг асосини ташкил этувчи ислом банклари активлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу соҳада етакчилик жаҳон ислом банкингидан иккинчи ўринни эгаллаган Саудия Арабистонига тегишли бўлиб, унда умумий активлардаги ислом активларининг ҳиссаси ортиб, 50,6 фоизни ташкил этган. мамлакатда ислом активларининг ҳиссаси 2020 йилда 16,8 фоизга ўсган, бу кўрсаткич 2019 йилда 13,8 фоизни ташкил этган. Бундай ўсиш тенденцияси Қувайт, Малайзия давлатларига ҳам хосдир. Ислом банклари активларининг ҳиссаси Қатарда -26,6 фоизни, БАА – 18,9 фоизни, Баҳрайнда – 15,2 ва Оманда – 14,3 фоизни ташкил этган.

1-жадвал

2020 йилда Форс Кўрфази араб мамлакатларининг йирик ислом банклари (млн. АҚШ доллар.) [13]

Банклар	Мамлакатлар	Активлар	Депозитлар	Соф қарзлар
<i>Al Rajhi</i>	Саудия Арабистони	126,58	103,31	85,24
<i>Dubay Islamik</i>	БАА	78,18	55,60	53,11
<i>Kuwait Finance House</i>	Қувайт	70,14	50,39	35,36
<i>Alinma</i>	Саудия Арабистони	42,36	32,25	30,02
<i>Abu Dhabi Islamic</i>	БАА	34,51	27,34	22,56
<i>Al Baraka Banking Group</i>	Баҳрайн	28,25	7,51	2,85
<i>Al Jazira</i>	Саудия Арабистони	24,86	18,36	14,57
<i>Dukhan Bank (Barwa Bank)</i>	Қатар	23,30	1,98	15,80
<i>Bank Boubryan</i>	Қувайт	21,18	16,80	15,87
<i>Sharjah Islamic Bank</i>	БАА	14,47	9,07	2,11

2019 йилга келиб дунёда 526 та ислом банклари ва банкларда ислом дарчалари мавжуд эди. Жаҳон ислом банк бозори юқори рақобатли бозор бўлиб, унинг йирик қатнашчиларининг асосий кўрсаткичлари 1-жадвалда кўрсатилган. Al-Rajhi банки, Dubai Islamic банки, Қувайт молия уйи (Kuwait Finance House), Қатар Islamic Bank, ва Abu Dhabi Islamic банки бу бозорнинг энг йирик қатнашчиларидир. Малайзия, Саудия Арабистони, БАА, Қатар ва Қувайт ислом банклари активлари жами ислом банклари активларининг 79 фоизини ташкил этади.

Ислом молия тизими асосан қуйидаги хизмат секторларидан иборат: Ислом банклари, қимматли қоғозлар, суғурта, микро-молиялаштириш, инвестицион фондлар ва бошқа хизматлар. Ислом банклари Ислом молия тизимида жалб қилинган активларнинг ҳажми бўйича энг пешқадам сектор бўлиб, уларнинг ҳиссаси 75% ни ташкил этди. Ислом молия тизимида 15% улушга эга бўлган Сукук облигациялари, ислом банкларидан кейин Ислом инвесторларининг маблағларини жалб қилувчи энг катта молиявий инструмент ҳисобланади. Исломий инвестицион фондлар (4%), Такафул (1%), яъни Исломий суғурта хизматлари, Исломий микро-молиялаштириш (1%) секторлари эса секинлик билан ривожланиб бораётган, аммо улкан ўсиш салоҳиятига эга бўлган молиявий хизматлардан саналади.

Соҳа экспертларининг айтишича, Ислом молия тизими кейинги йилларда ҳам сезиларли суръатларда ўсиши кузатилади. Ислом молиявий институтлар сафига қўшилаётган янги ташкилотлар, Ислом молия қонунларини қабул қилаётган давлатларнинг сони кўпайиб бориши бу тизимнинг кенг истиқболларга эга эканлигидан далолатдир.

Ислом молиясининг афзалликлари. Ислом молия тизимининг ўсишига, оммалашувига, географик кенгайишига унинг анъанавий молияга нисбатан бир қанча афзалликлар ва устунликларга эга эканлигидир. Хусусан, Ислом молия тизими:

Молиявий адолатни тарғиб қилади ва қўллаб-қувватлайди.

Молиявий адолат Ислом таълимотининг бош тамойилидир. Ислом молия институтлари фойда ва зарар тақсимоотида мувозанатни сақлашга ҳаракат қилади. Улар лойиҳада тадбиркор билан тенг ҳуқуқли шерик сифатида иштирок этишади. Лойиҳадан тушадиган даромадлар ҳам, лойиҳа билан боғлиқ рисклар ҳам томонлар келишуви асосида адолатли тақсимланади. Агар Ислом банки молиялаштириш орқали керакли фойдани кўзлаётган бўлса, албатта, зарарга ҳам шерик бўлишга тайёр бўлиши шарт.

Молиявий фаолликни оширади.

Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, дунё мусулмонларининг тўртдан уч қисми анъанавий банклар билан деярли алоқа қилмайди. Исломий банк тизими эса бу тўсиқни олиб ташлашга ва мусулмонларнинг банклар билан фаолроқ ҳамкорлик қилишига ёрдам беради.

Ҳаром ва зарарли нарсаларнинг таъсирини камайтиради.

Ислом молиявий институтлари жамиятга зарарли фаолиятларни молиялаштирмайди. Яхшироқ эътибор берилса, Ислом молияси нафақат мусулмонларга, балки бошқа эътиқод вакилларига ҳам манфаат келтиради.

Молиявий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Ислом банклари мижозлар рискларининг маълум қисмини зиммаларига олишлари сабабли ҳар бир аризани, лойиҳани пухтароқ ўрганишади, уларнинг қарор

қабул қилиш жараёни ҳам анча кенг қамровли. Рисклари ҳаддан зиёд катта бўлган лойиҳалар, албатта, Ислом банклари томонидан рад этилади.

Ислом молия тизимининг молиявий барқарорликни сақлашдаги энг катта омил – Ислом молиясининг реал иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқлиги. Ҳали ишлаб чиқарилмаган ёки йўқ нарсани сотиш, *опцион, дериватив, фьючерс* каби негизи реал бизнес билан асосланмаган қимматли қоғозлар савдоси, *Short Sales* сингари қарзга олинган ва ўзига тегишли бўлмаган активларни сотиш, шартнома муддатлари ва нархлари мавҳум бўлган нарсаларнинг тижорати ва шунга ўхшаш барча молиявий спекуляцион фаолиятлар шариат томонидан таъқиқланган. Анъанавий молия бозорларда кенг авж олган “қарзларни сотиш ва сотиб олиш” фаолияти ҳам қатъиян ман қилинган. Бундай фаолиятлар молия бозорининг ҳажмини сунъий тарзда “совун пуфагидай” шишириб, жуда катта иқтисодий муаммолар келтириб чиқаришини 2007 йил АҚШда рўй берган ва бутун жаҳон молиявий инқирозига сабаб бўлган субкредитли ипотека инқирози мисолида кузатиш мумкин [7, 8].

Ислом молия ташкилотлари реал иқтисодиёт билан асосланган, молиялаштириш шартлари барча иштирокчиларга бирдай равшан бўлган, кейинчалик томонларнинг низоларига сабаб бўлмайдиган инвестицион лойиҳаларга маблағ киритади. Шунинг учун ҳам Ислом молия тизими устувор бўлган иқтисодиётнинг молиявий сектори ҳам барқарор бўлади.

Барча бизнес вакиллари сингари Ислом молия ташкилотлари ҳам ўз фаолиятдан фойда кўришни мақсад қилади. Аммо, Ислом молия ташкилотлари даромадни бошқа бировнинг зарари эвазига эмас, балки иқтисодий қўшимча қиймат яратишга қаратилган ва ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларга адолат ва ошкоралик асосида пул киритиш орқали фойда топишни кўзда тутишади.

Ислом банки – мижоз, Исломий инвестор – тадбиркор ўртасидаги олди-бердилар фақат ва фақат ўзаро манфаат устига қурилади. Молиявий спекуляция, реал иқтисодий секторга боғланмаган қимматли қоғозлар ва қарз олди-бердилари ҳамда шариат рўхсат бермаган бошқа фаолиятлар, юқорида гувоҳи бўлинганидек, иқтисодий-молиявий мутаносибликка раҳна солганидек, Ислом молия ташкилотлари мамлакатда соғлом ва самарали иқтисодий-молиявий муҳит яратилишига замин яратади ва ўша мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ҳам бевосита, ҳам билвосита ҳисса қўшади.

Ислом молия тамойилларининг яна бир муҳим нуқтаси – тўлов қобилияти ёки молиявий аҳволи ёмонлашган қарздорларга енгиллик бериш, иложи борича, уларнинг аҳволлари яхшилангунча қарз муддатларини чўзиб, уларга ёрдамлашиш.

Ўзбекистонда Ислом молиявий хизматлар билан ҳам ҳозирча фақат битта, Ислом Тараққиёт Банкининг ICD компанияси ташкил қилган “Taiba Leasing” компанияси шуғулланмоқда. Ҳозирги пайтда республиканинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларида жиддий ислоҳотлар олиб борилаётгани, монетар сиёсат ва банк-молия тизимида улкан ўзгаришлар бўлиб турган бир пайтда Ислом молиясини жорий қилиш масаласини бугунги кун тартибига киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маҳаллий тадбиркорлар билан молия-инвестиция масалалари бўйича яқиндан ишлайдиган мутахассисларнинг фикрича, Ислом молияси ва Исломий банк фаолиятига мамлакатимизда қизиқиш ва талаб катта. Мамлакатимизнинг барча

минтақаларида тадбиркорлик субъектлари орасида ҳам, оддий аҳоли орасида ҳам ислом молиявий хизматлар талабгорлари кўпайиб бормоқда.

Ислом молияси мамлакатимизга бир қанча ижобий ўзгаришлар олиб келиши мумкин, шулар қаторида:

Банк тизимининг фаоллашуви. 2017 йил бошида республика банк тизимининг жами кредит портфели ЯИМга нисбатан ўртача 26 фоизни, жалб қилинган банк омонатлари эса ЯИМнинг 18 фоизини ташкил қилди. *Bloomberg* маълумотларига кўра, бу кўрсаткичлар кам даромадли ривожланаётган мамлакатларда 47% ва 33%, ривожланган давлатларда эса 60-70%, айримларида ҳатто 100% дан ҳам юқори. Бундан маълум бўладики, Ўзбекистонда банк хизматларидан фойдаланиш коэффиценти бошқа давлатларга нисбатан анча паст. Ислом молияси ва Исломий банк фаолиятининг жорий қилиниши бу коэффицентни кўтаришга ёрдам бериши муқаррар.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Ҳозирги кунда хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича барча мамлакатлар рақобат майдонига киришган. Ўзбекистон қаторидаги давлатлар ўз маблағлари билан кирадиган инвесторлар учун қулай қонунчилик ва солиқ базаси, инфратузилма ва барча зарурий шарт-шароитлар яратиб беришмоқда. Хусусан, араб ва мусулмон давлатлардан келувчи инвесторлар учун Исломий банклар ва *такафул* суғурта компанияларини ташкил қилишмоқда. Йирик инвестицион дастурларга эга бўлган Ўзбекистоннинг ҳам керакли Ислом молия инфратузилмасини яратиши ҳозирги замон талабидир.

Халқаро аренада давлат обрўйи. Ислом молия ва Исломий банк тўғрисидаги қонунлар мамлакатнинг виждон эркинлиги ва диний эркинлик бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатларига янада ёрқин ва кескин тус бериб, унинг мусулмон оламида ва бошқа дунё давлатларининг назарида *мустақил, эркин, демократик давлат* деган обрўйига катта ҳисса қўшади.

Аждодларимизнинг илмий меросини тиклаш. Ўзбекистонда Маккаи муқаррама, Мадинаи мунаввара ва Қуддуси шарифдек азиз ва кўҳна Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарлари бор. Бу юртдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари улуғ аждодларимиз илм-маърифат нуруни бутун дунёга сочишган. Томирларида аждодларининг қони оқаётган, юрти бир пайтлар Ислом тамаддуни маркази бўлган бу халқ Ўзбекистонни нафақат минатақамизнинг, балки бутун дунёнинг Ислом молия марказларидан бирига айлантиришга қодир ва ҳақлидир.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, Ислом молия тизими тараққиёт йўлининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний-маърифий ва бошқа соҳаларида жадал ислохотлар ва ўзгаришлар олиб бораётган Ўзбекистон учун бугунги кун талабидир. Мамлакатимизда ислом молия тизимини жорий этиш бир қатор масалаларни ҳал этишни талаб қилади, жумладан:

– Ўзбекистонда ислом молияси тизимини жорий этиш учун молия соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва уларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати вужудга келган;

– Ўзбекистон фонд бозори ва банк тизимида ислом молиясини муваффақиятли ва самарали жорий этишда соҳа бўйича чуқур билимга эга бўлган кадрлар масаласини ҳал этиш керак;

– Ислам молия бозорларининг инвестиция имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг халқаро ислом молия тизимида интеграциясини жадаллаштириш учун илмий асосланган, бир неча босқичга эга бўлган стратегия ишлаб чиқилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. Hasanuzzaman, S. M. (1984). “Definition of Islamic Economics”, *Journal of Research in Islamic Economics*, 1(2), pp. 51-53.
3. Mannan, M. A. (1983). “Islamic Economics as Social Science: Some Methodological Issues”, *Journal of Research in Islamic Economics*, 1(2), pp. 41-50.
4. Ahmad, Khurshid (1992), “Nature and Significance of Islamic Economics”, in Ausaf Ahmad and Awan (eds.), *Lectures on Islamic Economics*. Jeddah: Islamic Development Bank.
5. Siddiqui, M. N (1992). “History of Islamic Economic Thought”, in Ausaf Ahmed et al. (eds.), *Lectures on Islamic Economics*. Jeddah: IRTI-Islamic Development Bank.
6. “Исламий молия тарихи”, Навид Муҳаммад, 2015 йил, <https://www.islamicfinance.com/2015/02/an-overview-of-the-history-of-islamic-finance>;
7. “Исламий молияга кириш”, Муфтий Муҳаммад Тақий Усманий, Maktaba Ma’ariful Quran Karachi – 75180, 2007 йил, Mehran Printers, Karachi.
8. “Инқироздан кейинги ислохотлар: Фикр юритиш лозим бўлган мулоҳазалар”, Муфти Муҳаммад Тақий Усманий, 2010 йил, <https://attahawi.com/2010/03/18/post-crisis-reforms-some-points-to-ponder-by-mufti-muhammad-taqi-usmani/>.
9. «Исламское финансирование в Казахстане», Шаймерден Чиканаев, Юридическая фирма GRATA, http://www.gratanet.com/up_files/Rus_islamic.pdf.
10. «Исламское финансирование в России и в мире: пробелы и перспективы», Л. С. Мокина, // Вестник Прикамского социального института. 2017. № 3 (78). С. 74–80;
11. “2017 йил Дунё Исламий Молия Тизими Ҳисоботи”, Edbiz Consulting компанияси, 2017 йил, <http://www.gifr.net/publications/gifr2017/intro.pdf>.
12. The Global Competitiveness Report 2017–2018. Available at: <http://www3.weforum.org/docs/GCR2017-2018/05FullReport/TheGlobalCompetitivenessReport2017%E2%80%932018.pdf>.
13. <http://www.alpenassetadvisors.com/assets/images/Alpen-Capital-Islamic-Finance-Industry-July-6-2021.pdf>. Islamic Finance & Wealth Management 2021.
14. www.isdb.org – Ислам Тараққиёт Банкининг расмий сайти;